

ДК: 687.122., 312 ”:677.074.164.5+746.346

ЗАРДЎЗЛИК УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИБ ЯНГИ МАТОЛАРНИ ҚЎЛЛАГАН ҲОЛДА ЗАМОНАВИЙ ЛИБОСЛАР ЯРАТИШ

М25-15 гуруҳи магистранти М.Қ. Каримова
Ассистент. З.Р.Талипова

Ушбу мақолада зардўзлик усулидан фойдаланган ҳолда, янги матоларни қўллаб зардўзлик нақшларини янгича усулларини, замонавий либосларда ишлатиш ҳамда уларнинг тикилиш техникаси кетма – кетлигини ўрганиб, таҳлил қилиниш жараёни кўриб чиқилган.

In this article the is reviewed the utilization of new types of gold embroidering by using gold brocading and it's sewing techniques and analysis process. It includes the sewing technics of the methods likkado 'zi and vagardo 'zi utiliration of thes methods in what type of clothes.

Зардўзлик санъати ҳам ўзга санъат турлари каби ўзининг узоқ тарихига эга бўлиб, деярли барча Шарқ мамлакатлари унинг ватани ҳисобланади. Ўрта Осиёда ҳам зардўзлик санъати, шубҳасиз, ўзининг чуқур илдизига эга.

1403-1406 йилларда Самарқандга саёҳат қилган испан элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо ўз эсдаликларида, Темур саройида зардўзликнинг миллий кашта безакларини кўрганлиги ёзиб қолдирган. Клавихо саройда ўтказилган дабдабали зиёфатлар таърифини келтириш билан бирга, зардўзлик усулида тикилган ашёларни ҳам бир неча бор эслатиб ўтади. Зар билан тикилган кўрпа-тўшаклар, ипак матога зар тақилган қимматбаҳо дарпардалар ва чодирлар ҳақида батафсил ҳикоя қилган. Клавихо эркаклар ва аёлларнинг зар ипдан тикилган ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган кийимлари ҳақида завқ билан ёзади [1].

Зардўзлик санъатида, асосан, икки турдаги миллий нақш мавжуддир. Улар ислимий ва геометрик нақшлар. Бу икки нақш туридан сон-саноксиз кўринишдаги кашта ва гуллар ҳосил қилиш мумкин. Ислимий нақшлар аслида гул ва дарахтлар шаклидан келиб чиққан бўлиб, узоқ давр мобайнида у бадий услублар таъсири остида бутунлай ўзгариб кетган. Бухоро қадимий ёдгорликларидаги бежирим, нафис нақшлар, маҳобатли равонлар, дабдабали безаклар зардўзлик санъатида ўз аксини топмай қолганлигининг гувоҳимиз.

Бухорода сақланиб келинаётган каштачилик санъатининг ўзига хос ва қизиқарли бу тури ғоят узоқ давр мобайнида ривожланиб келмоқда. Бухоролик зардўзи усталарининг ўзига хос сермазмун бежирим нақшлари, ғоят нафис ишлаш услублари асрлар давомида ривожланиб келган.

Зардўзлик услубида безатилган либослар, асосан, юқори табақа вакиллари учун ҳамда амир саройидагиларининг эҳтиёжи учун тикилган. Аёллар ва болаларнинг зардўзи либослари фақат бадавлат хонадонларнинг аъзоларигагина кийиш расм бўлган. Улар бундай либосларни, одатда бирор бир оилавий тантана ёки байрам муносабати билан кийишган.


Бизгача етиб келган зардўзлик бўйича маълумотлардан билиш мумкинки, эркаклар чопонлари четдан келтирилган барқутлардан тикилган. Булар ичида бахмал биришим энг юқори нав ҳисобланиб, тўнлар учун фақат шу матодан фойдаланилган. Шунингдек, барқутдан ташқари шойи, атлас, дока, сурп, мовут, жайдари олача ва теридан ҳам фойдаланилган.

Бухоро зардўзлари зардўзлик ишларини бир неча қисмга бўлиб чиқадилар:

- зардўзий заминдўзий- тагини ёппасига зар билан тикиш;
- зардўзий гулдўзий- чарм, картон ёки қоғозга туширилган андоза бўйича тикиш;
- зардўзий бирешимдўзий-гоҳ ипак ипда, гоҳ зар ипда аралаш тикиш;
- зардўзий пулакчадўзий-пулакча деб аталадиган пистон қадаб зардўзлик тикиш.

Заминдўзликнинг икки асосий услуби маълум: тўғридан-тўғри матога тикиш ва сиддий деб аталувчи тўшамага тикиш. Сиддий усули, айниқса, машҳур бўлган [2].

Зардўзлик санъатида қўлланиладиган нақшларнинг мутлақ кўпчилиги ислимий бўлиб, геометрик ва шунга ўхшаган нақшлар эса ундан кейинги ўринда туради. Ислимий нақшлар турли-туман дастагуллар, япроқлар, бутюклар, дарахтлар, шюхлар, гулли гулдонлардан



иборатдир. Мева шаклларида тузилган нақшларда марварид, турунж, анор, ол. узумларнинг тасвирини ҳам кўриш мумкин. Аксарият, орнаментал гул турлари ўзларининг узок давомли ривожланишларида шу қадар кўп услубларга ва геометрик кўринишларга эга бўлганки, ҳатто уларнинг дастлабки ислимий шакллари илғаб олиш мушкул. Замонавий усталар, уларни истаган кўринишда талқин қила бошлаганлар.

Мавжи як рўз- бир ёқлама тўлқин. Бу энг оддий ва энг қадимий гуллардан бири ҳисобланади. У Бухоро зардўзлигининг деярли барча буюмларида учрайди. Бунда чатилган ҳалқачалар бир-бирига кўндаланг, ёнма-ён чизиклар шаклида жойлашади.

Мавжи ду рўя- икки ёқлама тўлқин ёки мавжи пушти моҳий-балиқ тангачалари. Бу ҳам бир-бирига ёнма-ён чизиклар шаклидаги кашта бўлиб, илгакларнинг сонига кўра ё кўпроқ, ё озроқ даражадаги синиқ йўлларга эгадир.

Мавжи оча-бача-она-бола тўлқин. Бу каштани тикишда навбатма-навбат қилиб тўшаманинг иккита ёки тўртта баҳаси битта қилиб олинади. Натижада, тикилган юзада гоҳ қатор тор-тор, ясси ва қорамтир, гоҳ кенг-кенг, дўппайган ва ярқироқ йўллар ҳосил бўлади.

Мавжи чашми булбулда чатиш илгаклари кичкина-кичкина тўртбурчак ёки ромбчалар ҳосил қилади.

Шаш хол-олти хол. Бир ёки икки қатор тўлқин катакчаси орасига жойлаштирилган гулдан иборат.

Хишти ҳарам –муқаддас ғишт. Бухоро зардўзлари мазкур иборадаги ҳарам сўзини подшонинг ҳарамии маъносида эмас, балки арабча ҳарам муқаддас маъносида эканини айтадилар. Бу кашта бошқа кашталарга қараганда жуда ҳам чиройли эканини ҳам эътироф этадилар.

Мавжи чор дар чор- тўртта тўрт тўлқин каштасидан иборат. Бу каштада чатиш илгаклари шундай жойлаштириладики, натижада тикилган юза худди тўқилганга ўхшаб кўринади.

Мавжи ханжарий. Зардўзларнинг тафсилича, бу кашта йўл-йўл қилиб кертилган танглайга ўхшайди.

Кандорий дўзий ёки оддийгина кандорий каштаси Афғонистоннинг Қандаҳор шаҳри номидан олинган бўлиб, усталарнинг маълумот беришича, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бизга кириб келган. Бу каштадан кийимларнинг нисбатан кичик қисмларини тикишда қўлланилган [3].

Бухоро бахмалидан тикилган калтача XIX-XX асрлар бошларидаги давлатманд шаҳарликларнинг асосий кийими бўлган. Камалакнинг етти ранги тасвирланиб турган, майин, таги бахмал “хафтранг” бугунги кунда барчанинг кўзини қувонтиради. Шунингдек, зонаки шойи, хонаки шойи, хонаки олача, хонаки шойи “лаъли гули”, хонаки бахмал, бекасам, “қорамулло” олачаси – аёллар либосида, “адрас” яримшойи матоларидан ҳам либослар тикишда фойдаланилган. Шунингдек, бу газламалар устига бадий безак беришда кашталар ишлатилган [4].

Ўтган асрларга келиб зардўзлик ишлари асосан, бахмал, духоба матоларида бажарилган бўлса, бугунги кунга келиб эса ёш дизайнерларимиз заргарлик ишларини турли хил матоларда турлича кўринишларини тикиб тавсия қилмоқдалар. Масалан, тўр матосида зардўзликни тикиш кетма-кетлиги кўриб чиқилди. Тикишга тайёргарлик чамбаракни тайёр ҳолга келтиришдан бошланди. Зар иплар билан тикишдан аввал чамбаракка матони шунчалик таранг тортиш керакки, унинг устига ташланган ангишвона 4-5 маротаба сакраши керак бўлади. Бунда чамбарак дастасига бўз матоси тортилиб мустаҳкамланади, сўнггра устидан тўр матоси жойлаштирилади. Тайёрланган чамбарак устига нақшлар жойлаштирилади ва мустаҳкамланади, сўнггра устидан зар ип билан остидан оддий ип ёрдамида тикилади. Иш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, тўр матосида зардўзлик технологиясидан фойдаланиш қийинчилик туғдирмади. Шунингдек, тўр матосида зардўз нақшларининг тикилиши матони янада нафис ва бежирим бўлишига ёрдам берди. Кашталар нафақат қўлда, балки машина чокларидан ҳам фойдаланиб тикилди. Икки услубда ҳам зардўзлик нақшлари нафис ва бетакрор бўлиб чиқди.

Бугунги кунга келиб зардўзлик ишлари билан безатилган либосларни жамиятнинг оддий фуқароларининг устида ҳам кўриш мумкин. Аждодларимиз томонидан яратилган

Зардўзлик санъати усулларининг мураккаблиги ва уларни амалга ошириш воситаларининг қилма-хиллиги туфайли асрлар давомида бойиб келган ва мана шу такрорланмас бебахс усулларни авлодларга етказиб бориш бизнинг бурчимиздир.



Адабиётлар

1. Жабборова Д. Зардўзлик технологияси. Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. –Тошкент: 2004.
2. Гончарова П.А. Бухоро зардўзлик санъати. -Тошкент, 1986.
- 3.Золотошвейное искусство Бухары.-Ташкент: 1986.
- 4.Содиқова Н. Ўзбек миллий кийимлари: XIX-XX асрлар. – Тошкент: 2003.